Н. И. ҚОЗИЕВ

# ХОР ДИРИЖЁРЛИГИ ХРЕСТОМАТИЯСИ

# ХРЕСТОМАТИЯ ПО ДИРИЖИРОВАНИЮ ХОРОМ

I
ҚИСМ

I
ЧАСТЬ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Н. И. ҚОЗИЕВ

# ХОР ДИРИЖЁРЛИГИ ХРЕСТОМАТИЯСИ

БИРИНЧИ ҚИСМ

# ХРЕСТОМАТИЯ ПО ДИРИЖИРОВАНИЮ ХОРОМ

ПЕРВАЯ ЧАСТЬ

*Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги тасдиқлаган*

«ЎҚИТУВЧИ» НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1976

M 7 / К-38

O'ZBEKISTON DAVLAT KONSERVATORIYASI AXBOROT RESURS MARKAZI TARTIB № 3039

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ҚИРИШ

Мазкур хрестоматия республика маданият институти, педагогика институтлари музика-педагогика факультетининг ўқитувчилари ва студентлари учун мўлжалланган. Ундан умумий таълим мактаблари учун музика ва ашула ўқитувчилари ва бадиий ҳаваскорлик хор коллективлари учун раҳбарлар тайёрловчи музика билим юртлари, педагогика билим юртлари маданий-оқартув техникумларининг ўқувчилари ҳам фойдаланиши мумкин.

Хрестоматиянинг асосий мақсади — хор дирижёрлиги класслари репертуарини Ўзбекистон композиторларининг хор асарлари билан бойитишдир. Хрестоматия маҳаллий миллат студентларига музика таълими беришда айниқса катта аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг махсус билим ва кўникмаларни она тилида эгаллашларини осонлаштиради.

Хрестоматия дирижёрлик курси программаси талаблари асосида тузилган, унда қийинлиги турли даражада бўлган хор асарлари танланган ва системалаштирилган, бу асарлар курс ва семестрларга бўлиб чиқилган. Бундан ташқари, студентнинг ўқиш жараёнидаги ҳар бир семестрда дирижёрликдан эгаллаши лозим бўлган билим ва малакалар ҳажми кўрсатиб берилган.

Хрестоматияга киритилган характери, жанр ва услуби жиҳатидан хилма-хил бўлган кўп сонли хор асарлари орасида опера ва музикали драмалардан олинган хорлар, кантаталар, ораториялар, оммавий хор асарлари, Ўрта Осиё халқлари қўшиқлари асосида қайта ишланган хор (а капелла) лар ва болалар қўшиқлари ҳам бор.

Хрестоматияда барча асарларнинг қисқача аннотацияси берилган бўлиб, унда ҳар бир асарнинг ўзига хос хусусияти дирижёрлик ва педагогик жиҳатдан амалга ошириладиган асосий вазифалар алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Хрестоматиянинг текст материаллари рус ва ўзбек тилида баён қилиниши, ундан кенг фойдаланишга қулай имконият яратади.

Ўзбекистон композиторларининг нашр этилган хор асарлари етарли даражада эмаслиги республикамиз музика ўқув юртларида яққол сезилмоқда. Бу ҳол малакали мутахассислар тайёрлашдаги муҳим тарбиявий — педагогик вазифаларни ҳал қилишни қийинлаштирмоқда. Ушбу хрестоматия камчиликни маълум даражада тўлдириб, ўқитувчиларнинг ўз репертуарларини танлаш ва уни бойитишларига ёрдам беради. Бундан ташқари, хрестоматияга киритилган асарларнинг кўпчилигидан студентлар ўқув юртларини тамомлаганларидан кейин ўз иш тажрибаларида фойдаланишлари мумкин.

# ВВЕДЕНИЕ

Настоящая Хрестоматия предназначена для педагогов и студентов института культуры, музыкально-педагогических факультетов педагогических институтов республики. Однако ею смогут пользоваться и учащиеся средних музыкальных учебных заведений: музыкальных училищ, педагогических училищ, культпросветтехникумов, готовящих учителей музыки и пения для общеобразовательных школ и руководителей хоровых коллективов художественной самодеятельности.

Основная цель Хрестоматии — дополнить репертуар классов хорового дирижирования произведениями для хора композиторов Узбекистана. Это имеет особенно большое значение в обучении студентов местной национальности: воспитание их на родном материале облегчит овладение специальными знаниями и навыками.

Хрестоматия составлена с учетом требований программы по дирижированию. Хоровые произведения отобраны различной степени трудности и в соответствии с этим систематизированы и распределены по курсам и семестрам. Кроме того, указан объем дирижерских знаний и навыков, которыми должен овладеть студент в процессе обучения на каждом семестре.

Среди большого количества хоровых произведений, различных по характеру, жанру и стилю, есть хоры из опер и музыкальных драм, кантат, ораторий, массовые хоровые песни, хоры — а-капелла (обработки песен народов Средней Азии), детские песни.

Все произведения сопровождаются краткими аннотациями, в которых отмечаются их наиболее важные характерные особенности и основные дирижерские и педагогические задачи.

Изложение всего текстового материала Хрестоматии на двух языках (русском и узбекском) создает благоприятные условия для пользования ею.

В музыкальных учебных заведениях нашей республики остро ощущается отсутствие в достаточном количестве изданных хоровых произведений узбекских композиторов, что затрудняет решение важных воспитательных и педагогических задач в подготовке квалифицированных специалистов. Настоящая Хрестоматия в некоторой степени восполнит этот пробел и поможет педагогам подобрать и обогатить репертуар. Кроме того, значительную часть произведений студенты после окончания учебного заведения смогут использовать в своей практической работе.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Хрестоматия тўрт қисмдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири бир курс, яъни биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи курс учун белгиланган хор асарларини ўз ичига олади.

Хрестоматиянинг биринчи қисмидан асосан болалар қўшиқлари, оммавий хор асарлари, музикали драма ва опералардан олинган кичик хор парчалари ўрин олган.

Бу қисмдаги асарлар, умумий таълим мактабларининг музика ўқитувчилари учун ўқув қўлланмаси ва бадиий ҳаваскорлик хор тўгаракларининг раҳбарлари учун қўшиқлар репертуари тўплами сифатида фойдали материал бўла олади.

Ўзбек композиторларининг биринчи курсда ўрганиш учун тавсия этилган жўрсиз (а капелла) хорлари мазкур хрестоматияга киритилмади. Шунинг учун I- курс программаси талабларига жавоб берадиган бошқа хор асарлари тўпламлари (М. Светозарова, И. Полтовцев. «Курс чтения хоровых партитур»; Н. Шелков. «Хрестоматия по чтению хоровых партитур» ва бошқалар) дан фойдаланиш тавсия этилади.

Хрестоматия состоит из четырех частей, каждая из которых содержит хоровые произведения для одного курса: первого, второго, третьего, четвертого.

В первой части помещены в основном детские песни, массовые хоровые произведения и небольшие хоровые отрывки из музыкальных драм и опер.

Произведения, включенные в настоящую часть, могут быть использованы учителями музыки и пения в общеобразовательных школах и руководителями художественной самодеятельности при подборе репертуара.

В данной Хрестоматии отсутствуют хоры а-капелла, созданные композиторами Узбекистана, которые можно рекомендовать для изучения на первом курсе. Поэтому предлагается использовать другие сборники (например, М. Светозарова, И. Полтавцев «Курс чтения хоровых партитур», Н. Шелков «Хрестоматия по чтению хоровых партитур» и т. д.), где имеются произведения, отвечающие программным требованиям первого курса.

*Автор*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хрестоматия тўрт қисмдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири бир курс, яъни биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи курс учун белгиланган хор асарларини ўз ичига олади.

Хрестоматиянинг биринчи қисмидан асосан болалар қўшиқлари, оммавий хор асарлари, музикали драма ва опералардан олинган кичик хор парчалари ўрин олган.

Бу қисмдаги асарлар, умумий таълим мактабларининг музика ўқитувчилари учун ўқув қўлланмаси ва бадиий ҳаваскорлик хор тўгаракларининг раҳбарлари учун қўшиқлар репертуари тўплами сифатида фойдали материал бўла олади.

Ўзбек композиторларининг биринчи курсда ўрганиш учун тавсия этилган жўрсиз (а капелла) хорлари мазкур хрестоматияга киритилмади. Шунинг учун I- курс программаси талабларига жавоб берадиган бошқа хор асарлари тўпламлари (М. Светозарова, И. Полтовцев. «Курс чтения хоровых партитур»; Н. Шелков. «Хрестоматия по чтению хоровых партитур» ва бошқалар) дан фойдаланиш тавсия этилади.

Хрестоматия состоит из четырех частей, каждая из которых содержит хоровые произведения для одного курса: первого, второго, третьего, четвертого.

В первой части помещены в основном детские песни, массовые хоровые произведения и небольшие хоровые отрывки из музыкальных драм и опер.

Произведения, включенные в настоящую часть, могут быть использованы учителями музыки и пения в общеобразовательных школах и руководителями художественной самодеятельности при подборе репертуара.

В данной Хрестоматии отсутствуют хоры а-капелла, созданные композиторами Узбекистана, которые можно рекомендовать для изучения на первом курсе. Поэтому предлагается использовать другие сборники (например, М. Светозарова, И. Полтавцев «Курс чтения хоровых партитур», Н. Шелков «Хрестоматия по чтению хоровых партитур» и т. д.), где имеются произведения, отвечающие программным требованиям первого курса.

*Автор*

www.ziyouz.com kutubxonasi

# I
# КУРС

Биринчи курсда ўқитувчи олдида хор дирижёрини шакллантириш: гавда, бош ва қўлини тўғри ҳолатда бўлиши; дирижёрликнинг асосий ишораларини: (аниқлилик, усуллилик, тежамкорлик ва ҳоказоларни) такомиллаштиришга эришиш вазифаси туради.

Педагог студентнинг куйлашни бошлаш йўлларини — диққатни бир нуқтага тўплаш, нафас олиш ва куйлай бошлаш; куйлашни тамомлаш йўлларини — уни тамомлашга ўтиш, тўхтатишга тайёрлаш ва тўхтатиш каби дирижёрлик техникасини ўзлаштириб олишига ҳаракат қилмоғи лозим. Биринчи курсда студентларнинг тактдаги кучли ва кучсиз ҳиссаларни сеза олиш қобилияти ўстириб борилади. Нуқта такт асосий ҳиссаларининг куйилиш чегараси бўлиб, у $^3/_4$; $^4/_4$; $^2/_4$ каби дирижёрлик схемаларида ўрганилади, унинг тузилиши аниқ бўлишига эришмоқ керак.

Студентлар диққатини ҳар қандай дирижёрлик схемасининг асоси бўлган аниқ ва қатъий «бир» тушунчасини яхши ўзлаштириб олишга жалб қилиш зарур.

На первом курсе перед педагогом стоят задачи формирования дирижера-хоровика — постановка корпуса, головы, рук; выработки основных дирижерских жестов: отчетливость, ритмичность, экономность и т. д. Педагог должен добиваться усвоения студентом элементов дирижерской техники: *приемов вступления* — внимание, дыхание, вступление; *приемов окончания* — переход к окончанию, подготовка его и само окончание.

На первом курсе у студента развивают ощущение сильной и слабой долей такта. *Точка* — фиксация граней основных долей такта; изучаются дирижерские схемы на $^3/_4$; $^4/_4$; $^2/_4$. При этом следует добиваться ясности рисунка дирижерских схем.

Необходимо заострить внимание студента на выработке точного и определенного понятия «раза» как стержня всякой дирижерской схемы.

## Биринчи курснинг биринчи семестри программаси

## Программа первого курса—первого семестра

1. $^3/_4$; $^4/_4$; $^2/_4$ ўлчовларида (мўътадил ва ўртача тез ҳаракатда *non legato* ва *legato* характеридаги товушларнинг *mf* ва *f* динамик тусларида) дирижёрлик қилиш.
2. Куйлашни тактнинг ҳар хил ҳиссаларидан (такт олдидан) бошлаш йўлларини ўрганиш.
3. «Узиладиган» ва «узилмайдиган» ферматони, асар охирида учрайдиган ферматони, уларнинг аҳамияти ва ижро этилиш усулларини ўзлаштириш.
4. Дирижёрлик ҳаракатларининг асосий хусусияти ва қонун-қоидалари (тежамкорлик, мақсадга мувофиқлик, аниқлик, усуллилик, тактда кучли ва кучсиз дамларни ҳис қилиш, дирижёрлик схемаси тасвирининг аниқлиги) га эришиш.

1. Дирижирование в размере $^3/_4$, $^4/_4$, $^2/_4$ в умеренном и умеренно-скором движении, в характере звуковедения *non legato* и *legato* при динамике *mf* и *f*.
2. Изучение приемов вступления с разных долей такта (затакт).
3. Фермата «снимаемая» и «не снимаемая», фермата в конце произведения, ее значение и приемы исполнения.
4. Основные принципы и характер дирижерских движений: экономность, целесообразность, точность, ритмичность, ощущение сильного и слабого времени в такте, ясность рисунка дирижерских схем.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## 3/4 ЎЛЧОВИ  РАЗМЕР 3/4



*Чап қўл*
*Левая рука*



*Ўнг қўл*
*Правая рука*

## 4/4 ЎЛЧОВИ  РАЗМЕР 4/4



*Чап қўл*
*Левая рука*



*Ўнг қўл*
*Правая рука*

## 2/4 ЎЛЧОВИ  РАЗМЕР 2/4



*Чап қўл*
*Левая рука*



*Ўнг қўл*
*Правая рука*



www.ziyouz.com kutubxonasi

# БИЗ ИШЧИМИЗ

Ҳ. ҲАҚИМЗОДА шеъри ва музикаси

Б. НАДЕЖДИН қайта ишлаган






www.ziyouz.com kutubxonasi




1. Биз ишчимиз, меҳнатчимиз,
Биз ҳам инсон ўғлимиз,
Ўйлашайлик бизлар на деб
Золим- бойлар қулимиз?!

Оғир юкда яғир бўлди
Оппоқ, нозик елкалар,
Раҳмат демак сўз ўрнига
Жеркиб, сўкиб силталар.

2. Бизнинг кучнинг орқасидан
Бой бўлганлар беорлар,
Меҳри шафқатнинг ўрнига
Оёқ бирла тепарлар.

Ҳар балога биз тўғримиз,
Қон чулғаган бошимиз!
Замон келди кўтарайлик
Оёқ остдан бошимиз.

3. Бизнинг замон хизматчилар,
Майдонга чиқ ишчилар!
Бу кун эркинг олар кундир
Кўзинг оч меҳнатчилар.

Бизнинг бахтга қуёш чиққан
Кундир бугун, унутма!
Битсин бойлик! Ғариб бўлган
Кунларингни унутма!

Бу асар $^3/_4$ схемасини ўзлаштириш учун тавсия этилади. Асарда мантиқан таъкидланган «бир» ўзига хос тарзда ифодаланган.

Асарнинг характерини очиб бериш кўпинча барча дирижёрлик ҳиссаларининг қўл ҳаракатлари билан кўрсатилишига, ўртача суръатнинг сақланишига, қулай тесситурадаги куйнинг сокинлигига ва унинг динамик белгиларига боғлиқдир. Асарда иккинчи ҳиссадан кейин қўйилган паузаларни навбатдаги биринчи ҳиссада нафас олишни кўрсатиш учун қўллаш мумкин

Пример рекомендуется для работы над освоением схемы на $^3/_4$. В произведении характерно выражен логически подчеркнутый «раз». Передача характера сочинения в большей мере зависит от показа всех дирижерских долей, сохранения умеренного темпа, спокойной мелодии с удобной тесситурой, динамики. Паузы, проставленные после второй доли, можно использовать для показа дыхания к следующей первой доле (левую руку останавливать на второй доле).



www.ziyouz.com kutubxonasi

# КУЙЛАНГ, БОЛАЛАР

Қ. МУХАММАДИЙ шеъри

Е. ШВАРЦ музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi




1. Куйланг, болалар,
Қўшиқ, яллалар.
Янграсин гўзал
Боғлар, далалар.

Нақарот.

Бизнинг шод умр
Дунёга машҳур.
Порлоқ бахтимиз
Сочар олтин нур.

2. Ёшлик бебаҳо,
Ўқиймиз аъло
Ватан — онамиз
Ғамхўр доимо.

Нақарот.

Бизнинг шод умр
Дунёга машҳур.
Порлоқ бахтимиз
Сочар олтин нур.

Асар *moderato* суръатида бўлиб, биринчи курс талабларига жавоб беради, уни *mf* ва *f* динамикасида ижро этиш тавсия этилади.

Музика автори томонидан таъкидланган «бир» асарга рақс хусусиятини беради. Бунга алоҳида аҳамият беришг зарур.

Произведение отвечает требованиям первого курса по характеру движения *moderato*, исполняется в рекомендованной динамике *mf* и *f*. Подчеркнутый автором музыки «раз» способствует выявлению танцевального характера сочинения. На это необходимо обратить особое внимание.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ҲАРДАМ ИЛГАРИ

А. РАҲМАТ шеъри

Х. МУҲАМЕДОВА музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi




1. Биз юрамиз илгари,
Истагимиз илгари,
Биз бўламиз жангда қўрқмас
Ботир аскар сингари.

2. Будённийдек от чопар
Чавандозлар бўламиз,
Жасурликни, мардликни
Биз ёшликдан биламиз.

3. Биз қайтмаймиз орқага,
Партия бошлар илгари!
Биз бўламиз жангда қўрқмас,
Офицерлар сингари.

4. Курашларда чиниққан,
Бизнинг аскар акамиз.
Мардлик куйин ҳар доим
Кўкрак кериб айтамиз.

Асарнинг характери шундан иборатки, ўқитувчи ундан студент — дирижёрга таълим беришнинг бошланғич даврида фойдаланиши мумкин. Асардаги фактура баёнининг қулайлиги, барча ҳиссаларнинг мужассамлиги, осойишта ҳаракат ва ўзига хос хушоҳанг куй, бирмунча содда ритмик тасвир, куйни тактнинг кучсиз ҳиссасида уза билиш — буларнинг ҳаммаси дирижёрлик техникасининг бошланғич малакаларини муваффақиятли ўзлаштириб олишга имкон беради.

Характер этой песенки может быть использован педагогом на первоначальном этапе обучения студента-дирижера. Удобная фактура изложения, наличие всех долей, спокойное движение с напевным характером мелодии, относительно простой ритмический рисунок, снятие на слабой доле такта — все это условия для успешного освоения начальных дирижерско-технических навыков.

# БОЛАЛАР УЧУН ВАЛЬС

**УЧҚУН** шеъри

**Д. ЗОКИРОВ** музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi







1. Озод Ватан қўйнида
Бахтимиз порлоқ.
Унда қувнаб — яйрашиб,
Ўсамиз ҳар чоқ.

Партиямиз меҳрибон
Бошимиз силар.
Ватан бизнинг онамиз
Ғамхўрлик қилар.

2. Эркин ўйнаб ўқиймиз
Яшаймиз озод.
Шўх қўшиқлар тўқиймиз
Дилларимиз шод.

Озод Ватан қўйнида
Бахтимиз порлоқ
Унда қувнаб, яйрашиб,
Ўсамиз ҳар чоқ.

Бу оҳангдор куй аниқ «бир»га эга бўлган $^3/_4$ дирижёрлик схемасини ўрганишда студент — дирижёрга ёрдам беради. Қўл динамик тусларга амал қилиб, текис ҳаракат қилади. Ўнг қўл аккомпанемент (жўр)нинг узлуксиз ҳаракатини кўрсатаётганда чап қўл ритм тасвири (ушлаб туриладиган ноталар) нинг аниқлигини таъминлаши, музика жумлаларининг нафислигига ва уларни узишнинг аниқлигига эришиш керак.

Напевная мелодия поможет дирижеру-студенту освоить дирижерскую схему на $^3/_4$ с определенным «разом». Движение рук плавное при соблюдении динамических оттенков. Точный ритмический рисунок левой руки (выдержанные ноты) при постоянном движении аккомпанемента правой рукой. Добиваться тонкости музыкальных фраз и точных снятий.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ПИОНЕРЛАР ЛЕНИН ҲАҚИДА КУЙЛАЙДИЛАР

О. ҚУЛДИЁРОВ шеъри
*П. Мўмин* таржимаси

А. БЕРЛИН музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




Ол шафақ порлайди кенг ўрмон ортида
Қадрдон ўлкамиз бўйлаб.
Ўлтирар болажонлар гулхан олдида
Жонажон доҳийни куйлаб.

Эсга олишар улар: Ильич Разливда
Ухламай тундан тонггача,
Хушчақчақ, эркин ҳаёт қурсак, деб элда,
Ўй сурган гулханда анча.

Баҳорги тун учди-да, кетди йўқолиб,
Енголмай шафақ кучини.
Ўлтириб болажонлар, кенг давра олиб,
Куйлашди азиз Ильични.

Асардаги мулойим, дилрабо куй, осойишта суръат ва оддий усул уч ҳиссали схема воситасида кўпгина дирижёрлик малакаларини мустаҳкамлашга қулай шароит яратади. Куйнинг учинчи ҳиссадан (такт олдидан) бошланиши — янгилик ҳисобланади. Асар охирида биринчи ҳиссадаги мантиқий урғуга, динамик тусларга амал қилиш ва куйни учинчи ҳиссада аниқ узиш зарур.

Мягкая, ласковая мелодия, спокойный темп, простой ритмический рисунок благоприятствуют закреплению многих дирижерских навыков по трехдольной схеме. Новым является начало мелодии с третьей доли (затакт). Необходимо следить за логическими ударениями на первой доле, соблюдать динамические оттенки и точно снимать их на третьей доле в конце произведения.



MARKAZI TARTIB
№ 3039

www.ziyouz.com kutubxonasi

# „АЛПОМИШ„
# МУЗИКАЛИ ДРАМАСИДАН ЭРЛАР ХОРИ

С. АБДУЛЛА шеъри

Т. ЖАЛИЛОВ, Г. МУШЕЛЬ музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi







1. Баракалла кўрма дард, ҳаргиз чавандоз офарин, юз офарин,
   Пойгада отни суриб, ёлғиз чавандоз офарин.

2. Минг тасанно сенга, гарчи нотаниш биз учун сен нотаниш
   Тан бериб дер ҳар йигит, ҳар қиз чавандоз офарин!

   Яша!

Асар усул жиҳатидан мураккаб эмасдир, бунда куйлашнинг иккинчи ҳиссада бошланишини ва тактнинг учинчи ҳиссасида узилишини аниқ кўрсатиш керак. Бу қўшиқ студентни асар охирида келадиган «фермато» билан таништиради.

Произведение несложное по ритмическому рисунку. В нем необходим четкий показ вступления на вторую долю, а также снятия на третьей доле такта. Данное сочинение знакомит с ферматой в конце произведения.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЭРТАЛАБ

Ш. САЪДУЛЛА шеъри

Б. НАДЕЖДИН музикас[и]






www.ziyouz.com kutubxonasi




1. Тураман илк тонгда мен
Қуёш кўкка чиқмасдан.
Бет-қўлимни юваман
Қостюмимни киймасдан.

2. Деразамни очаман
Тоза ҳаво кирсин деб,
Физкультура қиламан
Таним кучга тўлсин деб.

3. Мактабга йўл оламан
Соат саккиз бўлганда.
Дўстларимни кўраман
Қуёш кўкда кулганда.

4. Саломлашаман аввал,
Ундан сўнг қўл бераман.
Мактабимга ҳар маҳал
Қулоч ёзиб кираман.

Асарнинг уч ҳиссали схемаси муайян аниқликда яққол кўринади. Хотиржам, осойишта ҳаракатли дилрабо куй дирижёрликнинг бошланғич малакаларини уқиб олишни енгиллаштиради. Асар (музика авторининг талабларини қатъий бажариш мақсадида) дирижёрлик аппаратининг эркин ҳаракати орқали ижро қилиниши лозим.

Трехдольная схема произведения вырисовывается с определенной ясностью. Спокойное движение, задушевная мелодия облегчают освоение первоначальных навыков дирижирования. В исполнении должна быть передана свобода движения в дирижерском аппарате при строгом выполнении авторских требований.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4/4 ЎЛЧОВИ      РАЗМЕР 4/4

# ПАХТА ҚЎШИҒИ

П. МЎМИН шеъри

ИҚ. АҚБАРОВ музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




1. Олтин пахта оқ пахта,
Биз сенга иноқ пахта.
Ҳосилинг мўл бўлганда
Ҳаммамиз қувноқ пахта.

Бир чигитдан кўкариб,
Сен ўсасан кўпайиб.
Нурдан баҳра оласан
Бошинг кўкка кўтариб.

2. Кузда баланд хирмонда
Товланасан ҳар онда.
Ҳосилинг ошар доим
Бизнинг Ўзбекистонда.

Олтин пахта оқ пахта,
Биз сенга иноқ пахта.
Ҳосилинг мўл бўлганда
Ҳаммамиз иноқ пахта.

Асар равон ҳаракатда ижро этилади, бунга дирижёрлик ишоралари ҳам мос бўлиши шарт. Студент чап қўли ҳаракатини куйнинг текис «оқими»ни бузмасдан, учинчи ҳиссада тўхтата олсин. Асарнинг динамикаси *p*, *mf* доираси атрофида бўлиши керак. Асар охиридаги ферматода ҳар икки қўл ҳаракатини тўхтатиш зарур, қўл ҳаракатини узиш эса «бир»да бажарилиши мумкин.

Произведение исполняется в плавном движении, чему должен соответствовать дирижерский жест. Не нарушая плавного «течения» мелодии, студент должен суметь остановить левую руку на третьей доле. Динамика сочинения сосредоточена в пределах *p*, *mf*. В конце необходимо поставить обе руки на фермату. Снятие можно производить на «раз».



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ШОДЛИК ҚЎШИҒИ

А. ПУЛАТ шеъри

Ф. НАЗАРОВ музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi







Шу азиз Ватанда эллар бахтиёр,
Ҳамма тинч, ҳур, озод, дилларда баҳор.
Эҳ, кўкка етгудай юксалар бўйимиз,
Жаранглаб ёйилар қувноқ куйимиз.

Ҳар ишда мададкор.
Улуғ рус халқи (Рус халқи)
Жонажон Ватанда
Қуёшдай балқи (Қуёшдай).

Ҳар ишда мададкор
Жонажон рус халқи.
Жонажон Ватанда
Қуёшдай балқи *(2 марта)*.

Асарни ижро этаётганда музиканинг ёрқин, енгил маршлик хусусиятини кўрсатиб бериш зарур. Болалар овозининг тиниқ ва жарангдорлиги дирижёрлик ишораларида ўз аксини топиши керак. Унг қўл билан бир вақтда икки вазифани бажариш: ҳам оркестрни, ҳам алоҳида партияларни бошқариш студент учун янгиликдир.

Во время исполнения произведения необходимо показать характер музыки — светлый легкий марш. Прозрачность звучания детских голосов должна найти свое отображение в дирижерском жесте. Новым является выполнение правой рукой одновременно двух функций: руководство оркестром и отдельной партией.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# БАХТЛИ БОЛАЛАР

П. МЎМИН шеъри

ИҚ. АКБАРОВ музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi




1. Жонажон Совет эли
Бахтимиз бизнинг.
Партия — ғамхўримиз
Биз ўғил-қизнинг.

Улуғ Ватан қўйнида
Яйраб ўсамиз.
Саф-саф бўлиб кўчада
Қўшиқ айтамиз.

2. Бизларга бу шодликни
Рус оға берди.
Халқлар маҳкам бирлашиб,
Душманни қирди.

Яша, яша, кўп яша,
Эй улуғ Ватан!
Сенсан қадрдонимиз,
Сенсан жону тан!

Асар енгил рақс характерида. Дирижёр ўз ишораларида болалар хорига хос жарангдорликни ифодалаб бериши керак. Барча бошланиш ишораларини ва учинчи ҳиссадаги узилишларни кўрсатишда аниқликка эришиш зарур.

Бу миниатюра устида ишлаётганда нафис ишораларни ифодалай олиш имконияти юзага келади. Бутун асарнинг тўртинчи ҳиссада узилиши студентнинг дирижёрлик кўникмасида янгиликдир.

Характер произведения легкий танцевальный. Особенности звучания детского хора должны быть выражены дирижёрским жестом. Необходимо добиться острого показа всех вступлений и снятий на третьей доле.

В работе над этой миниатюрой представляется возможность добиться изящного жеста. Новым является снятие всего произведения на четвертой доле.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ОКТЯБРГА ШОНУ ШАРАФЛАР

Ғ. ҒУЛОМ шеъри

М. АШРАФИЙ музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi




1. Шону шарафлар сенга, буюк Ленин,
Одамни сен қутқардинг зулматдан.
Партия Лениннинг ижоди бўлди
Бўлсин омон бу жаҳон.

Нақарот:

Инсоният номидан минг салом!
Ғолиб Октябрга чин қалбдан салом!

2. Ўзбек элининг озод давлати бор,
Зўр иттифоқ, дўстлари бахти бор.
Бўлсин омон қаҳрамон пахтакорлар,
Бўлсин омон халқимиз.

Нақарот:

3. Ҳинду Хитой дўстимиз, шарқликлармиз
Не рангда, не ирқда йўқ фарқимиз.
Ер юзининг меҳнаткаш халқларимиз,
Бўлсин омон бу жаҳон.

Нақарот.

Куйнинг осойишта ҳаракати ва музиканинг ўзига хос хусусияти $^4/_4$ ўлчовда яхши «бир» устида муфассал ишлашга имкон беради. Бунда студент ўз ҳаракатини бемалол кўриб ва кузатиб бора олади. Дирижёрлик ҳаракати кўрсатилган *maestoso* суръатига ва non *legato* услубига тўғри келиши лозим.

Биринчи дарсларда 𝅝 (бутун) ва 𝅗𝅥 (ярим) ноталарнинг ҳиссаларини таъкидлаб, кейинги машғулотларда чап қўлни музика текстига мувофиқ ҳолда тўхтатишга эришиш зарур.

Спокойное движение мелодии и характер музыки позволяют углубленно работать над размером $^4/_4$ и над хорошим «разом». Студент имеет возможность увидеть и проконтролировать свои движения. Дирижерский жест должен соответствовать указанному темпу *Maestoso* приемом *non legato*.

Длительности 𝅝 (целая) и 𝅗𝅥 (половинная) на первых занятиях можно тактировать, в последующей работе необходимо добиться остановки левой руки соответственно музыкальному тексту.



www.ziyouz.com kutubxonasi




1. Шону шарафлар сенга, буюк Ленин,
   Одамни сен қутқардинг зулматдан.
   Партия Лениннинг ижоди бўлди
   Бўлсин омон бу жаҳон.

Нақарот:

Инсоният номидан минг салом!
Ғолиб Октябрга чин қалбдан салом!

2. Ўзбек элининг озод давлати бор,
   Зўр иттифоқ, дўстлари бахти бор.
   Бўлсин омон қаҳрамон пахтакорлар,
   Бўлсин омон халқимиз.

Нақарот:

3. Ҳинду Хитой дўстимиз, шарқликлармиз
   Не рангда, не иркда йўқ фарқимиз.
   Ер юзининг меҳнаткаш халқларимиз,
   Бўлсин омон бу жаҳон.

Нақарот.

Куйнинг осойишта ҳаракати ва музиканинг ўзига хос хусусияти 4/4 ўлчовда яхши «бир» устида муфассал ишлашга имкон беради. Бунда студент ўз ҳаракатини бемалол кўриб ва кузатиб бора олади. Дирижёрлик ҳаракати кўрсатилган *maestoso* суръатига ва non *legato* услубига тўғри келиши лозим.

Биринчи дарсларда 𝅝 (бутун) ва 𝅗𝅥 (ярим) ноталарнинг ҳиссаларини таъкидлаб, кейинги машғулотларда чап қўлни музика текстига мувофиқ ҳолда тўхтатишга эришиш зарур.

Спокойное движение мелодии и характер музыки позволяют углубленно работать над размером 4/4 и над хорошим «разом». Студент имеет возможность увидеть и проконтролировать свои движения. Дирижерский жест должен соответствовать указанному темпу *Maestoso* приемом *non legato*.

Длительности 𝅝 (целая) и 𝅗𝅥 (половинная) на первых занятиях можно тактировать, в последующей работе необходимо добиться остановки левой руки соответственно музыкальному тексту.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# УЛУҒ БАЙРОҚДОР

П. МЎМИН шеъри

Ғ. ҚОДИРОВ музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi




Қуёшдай қудратли донгдор ўлкамиз,
Партия ўстирган биз ботир авлод.
Бугундай ярқироқ яна эртамиз
Пахтакор юртимиз ғолиб умрбод.

Улуғвор мақсадга, келажак сари
Мардона халқимиз отланди бардам.
Жангларда ҳам меҳнатда юрдик илгари,
Коммунизм боғига ташладик қадам.

Қўлларда порлайди Ленин байроғи,
Зафарга интилар Ватан ва замон.
Бизники муқаддас келажак боғи,
Партия доҳиймиз улуғвор боғбон.

Асар гимнга ўхшаш характерда бўлиб, дирижёр ишораларининг «салмоқли», тантанали бўлишини талаб қилади. Эътибор чап қўлнинг тўхтатилиши ва ўнг қўлнинг мустақил ҳаракат қилишига қаратилади.

Тактнинг иккинчи ҳиссасида тўхташ, дирижёрлик ишораларининг «қуюқлиги», динамиканинг хилма-хиллиги *p*, *mp*, *f*, *mf*, *ff* ва узоқ муддатли *crescendo* бу асарни ўрганишдаги янги малакалардир. Асар охирида хорнинг янграшини узоқроқ эшитиб туриш учун чап қўлни тўхтатиб туриб, ўнг қўлни узиш мумкин, кейинчалик эса «бир» да чап қўл узилади.

Произведение гимнообразного характера, требует «весомого», торжественного жеста. Необходимо обратить внимание на остановки левой руки и самостоятельное движение правой руки. Новыми навыками в данном произведении являются остановка на второй доле такта, насыщенность дирижерского жеста, разнообразие динамики, *p*, *mp*, *f*, *mf*, *ff* и длительное *crescendo*. В конце произведения можно снять правую руку для того, чтобы подольше прослушать звучание хора, а затем снять и левую руку на «раз».



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ҲАЁТИМИЗ БАҲОРИ ИЛЬИЧ

Н. НИШОНОВ шеъри | Ш. РАМАЗОНОВ музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




1. Олам бўйлаб порлаган Қуёш
Ишимизда сен доим йўлдош.
Бизлар учун ғамхўр эмикдош,
Чаман юртимизнинг баҳори Ильич.

Юракларда ўзинг борсан,
Тилакларда бизга ёрсан.
Ғолиб халққа мададкорсан,
Қувноқ ёшликнинг фахри Ильич.
Ғолиб халққа мададкорсан,
Фахримизсан Ильич!

Дирижёрлик ишораларида аниқ ва кескин усул тасвирини бера олишга эришиш керак; биринчи ҳиссада аниқ урғу қилиниб, учинчи ҳиссада чап қўл тўхтатилади. Нақаротдаги маршга хос хусусият шижоатли, мужассамлаштириб йиғилган ишора орқали таъкидланади. Асар охирида суръатни тезлатиш томонига агогик (ихтиёрий равишда) ўзгартириш мумкин (узун ноталарда чап қўл сақлаб турилади, хорнинг овозини эса охирги тактнинг биринчи ҳиссасида узиш мумкин).

В дирижерском жесте необходимо добиться передачи ясного и четкого ритмического рисунка, делая акцент на первой доле и остановку левой руки на третьей доле. Маршеобразность во время припева подчеркивается волевым, очень выпуклым, собранным жестом.

В конце произведения возможно агогическое изменение темпа в сторону ускорения (держать левую руку на длинной ноте, снять хор можно на первой доле последнего такта).



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ОКТЯБРЬ БАЙРАМИ

З. АЛЕКСАНДРОВА шеъри

Г. СОБИТОВ музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi




1. Октябрь байрами бугун,
   Тингланг, болалар.
   Байроқдек товланди бутун —
   Шаҳар ва далалар.

2. Самолётлар кўкни қучди!
   Тингла осмонга боқ!
   Қиз қўлидан шар ҳам учди,
   Кўкка чиқди шу чоқ.

Бу асардаги дирижёрлик ишоралар таъкидланган маршга хосдир. У кучли, кучсиз ва нисбатан кучли такт ҳиссаларини чуқур ҳис қила олишга имкон беради. Биринчи ва учинчи ҳиссаларни урғу билан таъкидлаш керак.

Ижронинг бошланиш ишорасини тактнинг тўртинчи (такт олди) ҳиссасидан кўрсата олиш — ўрганиш учун анча қулайдир. Маршнинг кескин ритми бутун асар давомида сақланади.

Подчеркнутый «сухой», маршеобразный дирижерский жест. Это произведение дает возможность глубоко почувствовать сильную, слабую и относительно сильную долю такта. Необходимо подчеркнуть акцентом первую и третью доли. Удобно освоить показ вступления с четвертой доли такта (затакт). Острый ритм марша сохраняется на протяжении всего произведения.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ДЎСТЛИК ҚЎШИҒИ

ҚАМТАР шеъри

А. МУҲАМЕДОВ музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




1. Украина, Ўзбекистон,
Қон қардошдир, бир тан, бир жон,
Улуғ оға рус халқидир
Барча халққа чин меҳрибон.

2. Тупроғимиз олтин бўлган,
Боғларимиз гулга тўлган
Улуғ Совет ватанида
Қардош халқлар бахти кулган.

3. Кенг чўлларни этиб обод,
Тинч яшаймиз, қувноқ озод,
Партиямиз омон бўлсин
Дўстлигимиз қилган ижод.

Асардаги асосий вазифа аниқ ва дадил дирижёрлик ҳаракатидир. Осойишта суръат *andantino* ва нисбатан оддий ритм бунга имконият яратади. Нақаротда асосий эътибор хорнинг ижрони иккинчи ҳиссадан аниқ ва ишонч билан бошлашига ва шу билан бирга уни секинлаштирмасдан, *ff*да асар охиридаги тўртинчи ҳиссани узишига қаратилади.

Ясное, уверенное дирижерское движение — основная задача. Этому способствует спокойный темп *andantino*, относительно простой ритмический рисунок. В припеве обратить внимание на точное, уверенное вступление хора на вторую долю и в конце произведения на снятие четвертой доли, притом без замедления и на *ff*.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ГАЛСТУГИМ ҲИЛПИЛЛА

П. МУМИН шеъри

Ф. НАЗАРОВ музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




1. Сени тақиб юрсам бўйнимга
Севинчларим тўлар кўнглимга.
Галстугим яшна, ҳилпилла
Нурлар сочиб юрган йўлимга.

Нақарот:

Тенгдошларим каби кирганман
Ёш ленинчи мардлар сафига.
Аъло ўқиб эга бўлганман
Сени тақиш шон-шарафига.

2. Сени тақиб мен ҳам бўлдим мард,
Дилимда бор шундай шонли аҳд.
Муқаддассан Қизил байроқдай,
Сенга ҳеч бир юқтирмайман гард.

Нақарот.

3. Ҳур ёшлигим мангу бахтиёр
Улуғ-улуғ мақсадларим бор.
Билим олиб Ватан ишига
Дўстларимдай бўламан тайёр.

Нақарот.

Дирижёрлик ишоралари болалар хорининг ўзига хос жарангдорлик хусусиятини композиторнинг мақсадига мос қилиб ифодалаши зарур. Тактнинг биринчи ҳиссасини ва синкопани таъкидлаб, енгил, нафис ишоралар билан дирижёрлик қилиш керак. Асарда рақсга хос элементлар бор ва бунга студентнинг диққатини жалб қилиш лозим.

Дирижерский жест должен совпадать с намерением композитора передать особенности звучания детского хора. Необходимо дирижировать легким изящным жестом, подчеркивая первую долю такта и синкопу. В произведении присутствуют элементы танцевальности, на этом необходимо заострить внимание студента.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЎЗБЕКИСТОН

А. ИСРОИЛОВ шеъри

Ш. РАМАЗОНОВ музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЎЗБЕКИСТОН

А. ИСРОИЛОВ шеъри

Ш. РАМАЗОНОВ музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




1. Гул Ватанда бир чамансан, жон ўлкам,
Сенга ёрдир зафар, шараф-шон ўлкам.
Умримизда бахтимиздай баркамол,
Улуғ Ленин меҳри кўргазар жамол.

Нақарот.

Ўзбекистон — гўзал севимли диёр,
Боғларингда доим гул ёзар баҳор.

2. Кенг бағрингдан аримайди нур-зиё,
Зар тупроғинг кўзимизга тўтиё.
Гул қизларинг лабида шўх ханда бор,
Меҳринг ўти ҳар жону ҳар танда бор.

Нақарот.

3. Қардошликнинг эркин, ҳур маконисан,
Пахта кони — олтин, дур бўстонисан.
Коммунистик партиямиз — зўр офтоб,
Шаънига куй-мадҳиямиз минг китоб.

Бу асарнинг характери ҳар бир қисмда ҳар хил: даромад — вазмин ва тантанали; нақарот — шод ва қувноқдир. Дирижёр олдига бир асарда икки хил характерни тўғри ва ўзига муносиб ишоралар билан ифодалаш вазифаси қўйилади. Музиканинг мазмунини аниқ кўрсатиб бериш учун нақарот вақтида студентнинг берилган суръатдан *piu mosso* тарзида бир озгина агогик четлашувига рухсат бериш мумкин.

Бу асарда аниқ кўрсатишларнинг, узун ноталарда тўхтатишларнинг, синкопалар, узишлар ва музикавий жумлаларнинг тўғри бўлиши зарур.

Характер произведения разный в отдельных частях: запев—сдержанно торжественный, припев—радостно веселый. Перед дирижером ставится задача выразить правильным, соответствующим жестом два характера в одном произведении. Для точной передачи содержания музыки во время припева можно позволить студенту сделать небольшое агогическое отклонение от темпа в виде *pin mosso.*

В этом произведении необходимы: точные показы, остановки длинных нот, синкоп, снятия, правильная музыкальная фразировка.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ИШЧИЛАР, УЙҒОН!

Ҳ. ҲАКИМЗОДА шеъри ва музикас






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi








www.ziyouz.com kutubxonasi




1. Нечa асрлар ухладинг ётиб,
Кумушдек танинг балчиққа ботиб.
Бир парча куйган қора нон учун,
Ёшлик чоғингда ўз кучинг сотиб.

Ишчилар уйғон, уйғон, уйғон!
Сенга ишлашга етишди замон.

2. Битди золимлар қолди ирода,
Эркин яшагин сен ҳам дунёда.
Ҳеч бўлмас энди қайғу ва кулфат,
Ҳеч синмас энди бошингда хода!

Ишчилар уйғон, уйғон, уйғон!
Сенга ўқишга етишди замон.

Бу асарда вазмин «бир»га ва динамик туcларнинг хилма-хиллигига эришиш талаб қилинади.

Дирижёрлик ишоралари аста-секин катталаниб бориши керак, чунки асарнинг бошланишида даромадини яккахон, кейин дуэт куйлайди ва хорнинг бошланишидагина (нақаротда) дирижёрлик ишоралари тегишли қулоч кўламини эгаллаши лозим. Бундан ташқари, студентдан ритмик тасвирнинг аниқ бўлишини ва учинчи ҳиссада чап қўл ҳаракатини тўхтатишни талаб қилиш лозим. Хор бошланиши олдидан учрайдиган тўртинчи (такт олди) ҳиссани алоҳида таъкидлаш зарур.

В этом произведении необходимо добиться углубленного «раза», разнообразной динамики.

Дирижерский жест должен постепенно увеличиваться, так как в начале произведения (запев) поет солист, потом дуэт, и только во время вступления хора (припев) дирижерский жест должен приобрести соответствующий размах. Кроме этого, от студента можно потребовать точного ритмического рисунка и остановки левой руки на третьей доле. Перед вступлением хора необходимо подчеркнуть четвертую долю (затакт).



www.ziyouz.com kutubxonasi

## 2/4 ЎЛЧОВИ РАЗМЕР 2/4

# БИРГА КУЙЛАЙЛИК

Н. ОРИфЖОНОВ шеъри

Х. ИЗОМОВ музикаси

Allegretto






www.ziyouz.com kutubxonasi




2. Она-Ватан жонажон,
Турли миллат қадрдон.
Бахтлар бахтга туташсин,
Қел, бу сафга чин ўртоқ.

Нақарот:

Қел ўртоқ, кел ўртоқ,
Қуйлайлик аҳил, қувноқ.

3. Ёшлигимиз шод-хуррам,
Дўстлик бўлсин мустаҳкам.
Қолонна кўркамлашсин,
Қел, бу сафга бўл йўлдош.

Нақарот.

Бўл йўлдош, бўл йўлдош,
Бизни қутлайди қуёш!

Бу асар икки ҳиссали схемани мукаммал ўрганиш учун фойдалидир. Биринчи ҳиссани *non legato* услуби билан таъкидлаш тавсия этилади. Асар усули жиҳатидан ниҳоятда содда бўлганлиги учун, асосий эътибор эркин ҳолатда дирижёрлик қилишга қаратилади. Дирижёрлик ишоралари қўшиқнинг қувноқлик, хушчақчақлик характерини очиб бериши керак. Асар охиридаги «икки»да товушни аниқ узишга эришиш зарур.

Полезный пример для выработки ясной дву дольной схемы. Штрихом *non legato* рекомендуетс подчеркивать первую долю. Следует добиватьс дирижерской свободы, так как произведение весьм просто в ритмическом отношении. Дирижерски жест должен передать веселый, жизнерадостны характер песенки. Необходимо обратить вниман на четкое снятие звука на «два» в конце произв дения.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# АРЧА ҚЎШИҒИ

А. БУРИБОЕВ шеъри

А. МУҲАМЕДОВ музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi







1. Байрамимиз кўркисан,
Салом арчажон!
Сен бугун янги йилга
Энг азиз меҳмон.
Қишин ёзин бир хилда
Баргларинг яшил
Сени кўрсак, баҳордек
Кувнайди кўнгил.

Нақарот:

Байрамимиз кўркисан
Салом арчажон!
Сен бугун янги йилга
Энг азиз меҳмон.

2. Шохларингга илдик биз
Турли ўйинчоқ:
Айиқ, тулки, олмахон
Қўнғир қўзичоқ.
Ранг-баранг лампочкалар
Жилвали ёнар.
Оппоқ момиқ пахтамиз
Нурдек товланар.

Нақарот:

3. Қутлаб янги йил билан
Қорбобо турар.
Аълочи ўртоқларга
Совғалар берар.
Ўзбек, қозоқ, рус, латиш
Давра қурамиз
Сен билан янги йилнинг
Завқин сурамиз.

Нақарот.

Асарнинг «осойишта» суръати икки ҳиссали дирижёрлик схемасини кузатиб боришга шароит яратади. Дирижёрлик ишораси енгил *legato* ни акс эттирсин. Биринчи ҳиссанинг муайян «бир»ида ва ҳар бир музика жумласининг охирида тўхталиш керак.

Асар даромадининг охирида суръат бир оз секинлаштирилади, нақаротдан бошлаб эса яна бошланғич суръат тикланади. Узиш асар охирида, аниқ «икки»да бўлиши мумкин.

Спокойный темп позволяет проследить за точностью дирижерской двухдольной схемы. Жест должен отражать легкое *legato*. Необходимо добиваться хорошего «раза» первой доли и остановки в конце каждой музыкальной фразы.

В конце запева допускается небольшое замедление, а в припеве снова возобновляется первоначальный темп. Необходимо точное снятие на «два» в конце произведения.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ПАРТИЯМИЗ БОҒИДА

П. МУМИН шеъри

А. МУҲАМЕДОВ музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




1. Партиямиз — боғбондир,
   Меҳри билан сийлаган.
   Худди Ленин бобомдир
   Бошимизни силаган.

   Партиямиз офтобдай
   Дилимизга нур сочган.
   Ҳар бир сўзи китобдай
   Фикримизга йўл очган.

2. Партиямиз меҳрибон,
   Етказмоқда вояга.
   Ўқиш, ишда ҳеч қачон
   Биз қочмаймиз сояга.

   Партиямиз боғида
   Гул ғунчадай яшнаймиз.
   Қоммунизм чоғида
   Яна аъло яшаймиз.

Қўшиқнинг характери енгил, майин ишоралар билан кўрсатилмоғи лозим. Студент музикавий жумлаларнинг нафислигини ҳис қила олсин. Хорни аниқ узиш (чап қўлда) ва куйлашдан кейин жўрни (ўнг қўлда) аниқ бошлаш талаб қилинади. Асарнинг хилма-хил динамик туслари дирижёрликнинг маъноли, таъсирли бўлишига ёрдам бериши керак.

Характер песенки нужно передать легким певучим жестом. Студент должен прочувствовать тонкость музыкальных фраз. Необходимо требовать ясных снятий хора (левая рука) и точных вступлений (правая рука) после пения. Разнообразная нюансировка должна помочь выразительному дирижированию.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# БИЗНИНГ МАКТАБДА ҲАММА БИР САФДА

Қ. МУҲАММАДИЙ шеъри

К. АБДУЛЛАЕВ музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi







Хор: Уғил-қиз аралаш бизнинг мактабда,
Дўст бўлиб ўқиймиз, ҳамма бир сафда.

Дуэт: Болалар ранго-ранг гулдай яшнашиб,
Фан йўлида борар қўллар ушлашиб,
Ака-сингил, инидек ўқиймиз иноқ
Мактабдош, синфдош жонажон ўртоқ.

Нақарот.

Дуэт: Биз Совет боласимиз эркин бахтиёр,
Мактабимиз ҳусни-гуркирар баҳор.
Дўстлик қўшиғин куйлаймиз баланд,
Ҳамма бола эшитсин, эшитсин олам!

Нақарот.

Бу болалар қўшиғи музика муаллифи томонидан урғуланган биринчи ҳиссани аниқ кўрсатишдаги бошланғич малакаларни ривожлантиришга имкон беради. Дирижёрлик ишораси — *non legato*, айрим жумлаларда — *legato*. Студент-дирижёрдан дадил бўлиш, дирижёрлик схемаларининг бўрттириб кўрсатиш ва ҳар бир музикавий жумла охирида чап қўлни аниқ тўхтатишга эришиш талаб қилиниши керак. Динамик туслар плани ўзгартирилиб *ff* ни *f* нюансига алмаштирилиши мумкин.

Эта детская песенка дает возможность развить полезный первоначальный навык показа ясной первой доли, акцентированной автором музыки. Дирижерский жест *non legato*, в отдельных фразах *legato*. Необходимо добиваться от студента-дирижера уверенности, ясной выпуклости дирижерской схемы и точных остановок левой руки в конце каждой музыкальной фразы. Динамический план можно изменить, заменив нюанс *ff* на *f*.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ОНА ЮРТИМ

Б. АКБАРОВ шеъри

Ғ. ҚОДИРОВ музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi







1. Она юртим, бағрингда
Ӯсаман кучга тӯлиб,
Сенинг меҳринг қалбимда
Оқар бир дарё бӯлиб.

Нақарот.

Яша юртим, жон юртим (юртим)
Шараф юртим, шон юртим.
Сенинг меҳринг қалбимда
Оқар бир дарё бӯлиб.

2. Гагаринчи бӯлиб мен
Фазоларга учаман.
Шодликларга тӯлиб мен
Албатта Марсни қучаман.

Нақарот.

Яша юртим, жон юртим (юртим)
Шараф юртим, шон юртим.
Шодликларга тӯлиб мен
Албатта Марсни қучаман.

3. Сенда ҳар жон иззатда,
Яшар қувноқ бахтиёр
Буюрсанг не хизматга
Фарзандингман, мен тайёр!

Нақарот.

Яша юртим, жон юртим (юртим)
Шараф юртим, шон юртим.
Буюрсанг не хизматга
Фарзандингман, мен тайёр!

Бу асар студентнинг 3/4, 4/4 дирижёрлик схемаси асосида илгари эгаллаган дирижёрлик малакасини мустаҳкамлашига ёрдам беради.

Музикавий жумланинг бошланиши олдидан яхши, дадил «бир», қӯлни тӯхтатиш учун мӯлжалланган нота чӯзимлари, ҳиссаларни белгилаш чегаралари, узишга тайёрланиш ва узишнинг ӯзи — асарда дирижёрлик техникасини такрорлаш учун берилган вазифадир.

Это произведение не сложное, оно поможет з крeплению дирижерских навыков, приобретенны студентом ранее по дирижерским схемам 3/4, 4 Хороший, уверенный «раз» перед началом музы кальной фразы, выдержанные длительности д остановки рук, фиксация грани долей, подготовк к снятию и само снятие являются повторным дирижерско-техническими задачами.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# БАХТЛИ БОЛАЛАР

Қ. ҲИКМАТ шеъри

Ф. НАЗАРОВ музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi




1. Қуёш йўлидай
Ёруғ йўлимиз.
Қайга узатсак
Етар қўлимиз.

Нақарот:

Отряд байроғин
Юқори кўтар, эй.
Бахтиёр ёшлар
Қўриги ўтар.

2. Ўқиш-ўрганиш
Кескин ваъдамиз
Ватан, Партия
Меҳрибонимиз.

Нақарот.

3. Гулласин доим
Жонажон Ватан.
Халқимиз учун
Фидо жон ва тан.

Нақарот:

Асар студентнинг эмоционал ҳис-туйғусини ўстириш учун фойдалидир. Унинг характери (тийрак кайфият, катта ишонч) дирижёрдан тегишли ижодкорлик ва эркин ҳаракат талаб қилади.

Бу асарда синкопалаштирилган усул муҳим аҳамиятга эгадир, қўшиқни нақаротида қўлларнинг бўғинлари ёрдамида аниқ ва эпчил бажариш керак. Бундан ташқари, асар охирида узишнинг аниқ бўлишига эришиш лозим. Нақаротнинг тўртинчи тактидаги биринчи ҳиссада ҳар иккала қўлни тўхтатиш зарур, бу эса иккинчи ҳиссада жўшқин хитобни таъкидлашга имконият яратади.

Произведение полезно для развития эмоци нальности студента. Характер песни (бодрое н строение, большая уверенность) требует от дир жера соответствующего жеста, большой одухо воренности и свободы действия. Важный момен для данного произведения — синкопированный рит В припеве песни надо выполнять его точно и умел при помощи кисти руки. Кроме того, добиваты точного снятия в конце сочинения. В четверто такте припева на первой доле остановить обе рук это позволит подчеркнуть на второй доле задорны возглас.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЖОН ҚИЗЛАР

П. МЎМИН шеъри

А. МУҲАМЕДОВ музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




1. Жон қизлар, жонон қизлар,
Колхозчи-деҳқон қизлар.
Далаларни яшнатган (оҳ, яшнатган)
Ишда қаҳрамон қизлар.

2. Сизнинг чаққон қўлингиз,
Оппоқ пахта — гулингиз.
Далаларни янгратган (жонон қизлар)
Сизнинг қувноқ куйингиз.

3. Меҳнатда обрўйингиз —
Сизнинг орзу-ўйингиз.
Улуғ Ватан бахтига (жонон қизлар)
Доим омон бўлингиз.

4. Далаларни яшнатиб,
Шод этайлик кўнгилни
Келинг, қизлар, жон қизлар (жонон қизлар)
Берайлик қўлга-қўлни.

Дирижёрлик ишораси асарнинг қувноқлик ва хушчақчақлик характерини бера олсин. Чап қўлнинг хор қаторида тўхташи ва ўнг қўл билан ритм шаклининг узлуксиз равишда ҳаракатда бўлиши бирмунча мураккабдир. Асар охирида чап қўлни «бир» да, ўнг қўлни эса «икки» да узмоқ лозим. Хор партияларидаги узун ноталарда қўл сақлаб турилган вақтда, оркестр жўрлигидаги музикавий жумлаларнинг тўғри тугалланишига эришиш керак.

Дирижерский жест должен передать веселый, радостный характер произведения. Представляет определенную трудность остановка левой руки (хоровая строчка) и тактирование до конца ритмического рисунка правой рукой. В конце произведения снятие левой руки на «раз», а правой — на «два». Необходимо добиваться законченности музыкальной фразы в оркестровом сопровождении во время выдержанных нот в хоровых партиях.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ДАВРА ҚЎШИҒИ

Ғ. ҒУЛОМ шеъри С. ЮДАКОВ музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




1. Ўз яратган замонамиз, умримиз боқи,
Тўпланибдир ошналарнинг яқин-йироғи,
Қадрдонлар даврасида, жонажон соқи. (Жон!)

Нақарот:

Тўлдириб қуй қадаҳларни, янграсин гулёр.
Халқлар озод, Ватан обод, ҳамма бахтиёр.

2. Қон-қариндош халқлар ўсган Ватан ҳурмати,
Меҳнатимиз обод қилган чаман ҳурмати,
Авлодимиз ўйнаб-кулган замон ҳурмати. (Жон!)

Нақарот.

3. Шундай улуғ давронларга бошлаб берган йўл,
Қалбимизга қувончларни бағишлаган ул
Партиянинг ҳурматига, жон косагул. (Жон!)

Нақарот.

Асарнинг қувноқлик, хушчақчақлик характери дирижёрлик ишораларининг юмшоқ бўлишини талаб қилади. Оркестр ижросининг бошланишида тактнинг ҳар бир биринчи ҳиссасини таъкидлаш зарур, кейин эса, овоз ижросидан бошлаб жумлалар асосида дирижёрлик қилиш мумкин. Жўрга алоҳида эътибор бериш лозим, чунки, у мустақил аҳамиятга эга. Узайтирилган (лига билан бирлаштирилган) нотаroutes жуда аниқ чўзиб туриш керак.

Веселый, жизнерадостный характер произведения требует от дирижера мягкого жеста. Во время оркестрового вступления необходимо подчеркивать каждую первую долю такта, в дальнейшем, с момента вступления голоса, можно дирижировать по фразам. Обратить внимание на аккомпанемент, так как он имеет самостоятельное значение. Длинные (залигованные) ноты держать очень точно.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ҚАҲРАМОН ҚИЗЛАР

**М. ҚОРИЕВ шеъри** — **Х. ИЗОМОВ музикас**






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




1. Чевар қизлар, пахтакор қизлар,
Сизга таҳсин, шараф-шон қизлар.
Даламизни гулдек яшнатган,
Юртнинг фахри, жонажон қизлар.

Нақарот:

Қувнаб кулинг, бахтиёр қизлар,
Камол топинг, қаҳрамон қизлар.

2. Айтганингиз қувноқ яллалар,
Пахтазорни севиб аллалар.
Мавж уради кўркам пахтангиз
Шўх шабада эсган паллалар.

Нақарот.

3. Меҳнат билан даврингиз қувноқ,
Меҳнат билан эртангиз порлоқ
Қўлингизда гуллаб яшнайди,
Шонли меҳнат туфайли ҳар ёқ.

Нақарот.

Асарнинг жўшқинлик, қувноқлик, рақсга хос лирик характери енгил, куйчан ишоралар орқали ифодаланиши керак. Иш жараёнида қуйидаги дирижёрлик вазифаларини назарда тутмоқ керак: а) сақлаб турилган ноталарда чап қўлни ўз вақтида тўхтатилиши ва улардан «ўтказиш»; б) такт ҳиссаларини ўнг қўл билан кўрсатаётган пайтда хор ижросини биринчи ҳиссада чап қўл билан кескин ва аниқ узиш; в) асарнинг ритмик шаклига ва қизиқарли динамик белгиларига қатъий риоя қилиш; г) хорни қўшиқ охиридаги тактнинг «бир»ида, жўрни эса шу тактнинг ўзидаги «икки»да уза олиш.

Задорный, веселый, танцевальный, вместе с тем лирический характер произведения должен быть передан легким певучим жестом. В процессе работы предусмотреть решение следующих дирижерских задач: а) своевременно останавливать и «переводить» на выдержанных нотах (левая рука); б) четко и ясно снимать звучание хора на первой доле (левая рука) при одновременном тактировании (правая рука); в) строго следить за ритмическим рисунком и интересной динамикой произведения; г) в конце песни добиться снятия хора на «раз», а аккомпанемента — на «два» в том же такте.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ҚУШЧА

Я. БЕЛИНСКИЙ шеъри | С. ЮДАКОВ музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi








www.ziyouz.com kutubxonasi




1. Йигитим кеч оқшош пайтдан
Сўз бошлайди муҳаббатдан.
«Қушчам» дейди севиб мени
«Сайроқ қушчам» дейди мени. *(2 марта)*

2. Айтдим унга бўлиб иқрор
Қушча нозик бир жонивор
Шохга боғлаб бўлмас уни,
Ҳамда қамаб бўлмас уни. *(2 марта)*

Хор овозининг енгил ва нафис жаранглашини ифода этиш, контраст динамика, узайтирилган музикавий жумла (бир нафасда олти такт борлиги), ўрта қисмнинг усул жиҳатидан ўзига хослилиги — бу асарга дирижёрлик қилишда учрайдиган қийинчиликлардандир.

Қўшиқ аёллар хори учун ёзилган. Бу асарга истеъдоди кучли бўлган студентнинг дирижёрлик қилиши тавсия этилади.

Передача легкого, изящного характера звучания хора, контрастная динамика, удлиненная музыкальная фраза (6 тактов на одном дыхании) ритмическая обособленность в средней части — таковы трудности дирижирования данным произведением. Песня написана для женского хора. Над этой миниатюрой рекомендуется работать одаренному студенту.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ОҲАНГАРОН

Я. ҚУРБОНОВ шеъри

Ф. НАЗАРОВ музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




2. Ҳар йигитнинг юрагида ғайрат жўшар,
Юртимизнинг қудратига қудрат қўшар.
Нормасини ишга солиб мардонавор,
Беш йилликлар суръатига суръат қўшар.

Н а қ а р о т.

3. Қир бағрига қўйин қўяр чўпонлари,
Боғларига оро берар боғбонлари.
Ватанимиз ҳар бурчига шаҳдам қатнар
Уюм-уюм кўмир ортган карвонлари!

Н а қ а р о т.

Асар характерига тааллуқли бўлган енгил ҳаракатни дирижёрлик ишораларида ифодалай олмоқ зарур. Дирижёрлик ишораси «таранг» бўлиб, музиканинг ритм пульсини ҳис қилишга ёрдам бера олсин. Асарда хорнинг аёллар, эркаклар хорига ва аралаш хорга бўлиниши ҳақида биринчи марта тушунча берилади. Ўзбек миллий музикасига мансуб бўлган синкопаларга эътибор бериш лозим бўлади. Асар студентни такт чизиғи устидаги фермато ва унинг ижро этилиши ҳамда «люфт пауза» (бир зумлик пауза) билан таништиради. Асар хилма-хил динамик тусларнинг бажарилишини ва жумла охирида аниқ ва ўз вақтида узишни талаб этади.

Необходимо передать характерную для данного произведения легкость движения. Жест должен быть «упругим», помогающим чувствовать пульсацию ритма музыки. Впервые вводится понятие о разделении хора на женский, мужской, смешанный. Обратить внимание на синкопу, присущую узбекской национальной музыке. Фермата над тактовой чертой и ее исполнение знакомит студента с новой дирижерской задачей — люфт паузой. Требует выполнения разнообразной динамики, четких и точных снятий в конце фраз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ҚИЗИЛ БАЙРОҚ

А. РАҲМАТ шеъри

А. МУҲАМЕДОВ музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




1. Байроқ кўтариб олға юрамиз
   Бахтиёр ёшлик даврин сурамиз.

Нақарот:

Бу қизил байроқ Ленин байроғи
Кўтарамиз биз доим юқори.

2. Бизни партия зафарга элтди
   Шу байроқ билан ёвни йўқотди.

Нақарот.

3. Бордир байроқда ўроқ ва болға
   Шу байроқ элтар ҳамиша олға.

Нақарот.

Берилган асарда дирижёрлик ҳаракати шижоатли, улуғвор бўлиши лозим. Кескин усулнинг «бир»да аниқ узилиши дирижёр-студентнинг ижросида ўз таҳлилини топмоғи лозим. Хорнинг уч овозли эшитилиши, динамик тусининг бойлиги пионерлар колоннасининг тантанали намойиши манзарасини тасвирлаб бера олсин.

В данном произведении необходимо волевое, в личественное дирижерское движение. Острый пун тирный ритм, точные снятия на «раз» должны вы виться в исполнении дирижера-студента. Трехг лосное звучание хора, насыщенная динамика долж ны помогать раскрытию картины праздничног шествия колонны пионеров.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ТИНЧЛИК БАЙРОҚДОРИ

**МИРМУҲСИН** шеъри

**А. МУҲАМЕДОВ** музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




1. Биз тинчликни истаймиз, уруш истамаймиз
Армиямиз — тинчлик посбони,
Москвамиз — тинчлик маркази,
Ватанимиз — тинчлик қўрғони.

Нақарот:

Яшасин тинчлик!
Яшасин Москва!
Яшасин партиямиз — тинчлик посбони!

2. Яшна, Ватанимиз — тинчлик таянчи!
Яшасин халқларнинг озод диёри!
Уруш — қон тўкишдир, уруш — вайроналик,
Уруш истамайди тинчлик диёри!

Нақарот.

3. Қалбимиз демакдир бизнинг имзомиз,
Тинчликнинг байроғи, елпин ва балқи!
Биз тинчликни истаймиз, уруш истамаймиз,
Бизнинг номимиз халқ, жаҳоннинг халқи!

Нақарот.

Асарнинг кескин маршга хос суръати, пунктирли усули ва равшан жаранглаши ҳаракатчан, актив ишорани талаб қилади. Ҳар бир музика жумласи олдидан нафас олиш ва бошлаш ишораси аниқ кўрсатилиши лозим. Навбатдаги жумланинг бошланишида нафас олиш учун пауза (ауфтакт) керак бўлади. Асар охирида динамик тусларнинг «қуюқ» эшитилишига ва «икки»га аниқ узилишига эришмоқ лозим.

Четкий маршевый темп, пунктирный ритм и яркое звучание всего произведения требуют энергичного, активного волевого жеста. Следует добиваться хорошего показа дыхания и ясного вступления перед каждой музыкальной фразой. Необходима пауза для дыхания (она же ауфтакт) в начале следующей фразы. В конце произведения добиться звучания насыщенной динамики и точного снятия на «два».



www.ziyouz.com kutubxonasi

# Биринчи курснинг иккинчи семестри программаси

# Программа первого курса— второго семестра

1. Студентнинг биринчи ярим йилликда олган билимларини мустаҳкамлаш ва дирижёрлик малакаларини такомиллаштириш.

2. Ўнг ва чап қўлнинг вазифа (функция)си. Товушлар ҳар хил овозларда чўзиб турилганда, овозлар тактнинг хилма-хил ҳиссаларидан бошланишини кўрсатишда чап қўлнинг мустақил роль ўйнаши.

3. Ҳаракатнинг асосий турлари — оҳиста, мўътадил ва тез ҳаракат ҳақида тушунча.

4. Ўзгарувчан *f* ва *p* динамикаси. Оддий дирижёрлик схемалари кўламидаги ўзгарувчан ўлчовли асарларни ўрганиш.

5. Музика асари қисмларини бўлакчаларга ажратиш. Музика жумлалари (фразалари) орасидаги паузалар ва тўхтамлар (цезуралар). Жумлаларнинг тўғри ва аниқлиги.

1. Закрепление знаний и совершенствование навыков дирижирования, приобретенных студентами в первом полугодии.

2. Функция правой и левой руки. Самостоятельная роль левой руки в показе вступлений голосов на различных долях такта, при выдержанных звуках в разных голосах.

3. Движение. Понятие об основных видах: не спеша, умеренно, скоро.

4. Переменная динамика *f* и *p*. Изучение произведений с переменным размером в пределах простых дирижерских схем.

5. Членение музыкального произведения на части. Паузы и цезуры между фразами. Правильность и точность фразировки.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ҲОЙ, ИШЧИЛАР!

Ҳ. ҲАКИМЗОДА шеъри ва музикаси — Фортепиано учун мослаштирувчи ИК АКБАРОВ






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




1. Ҳой, ишчилар!
Эзилган меҳнатчилар!
Битсин золим бойлар!
Эркингни қўлдан берма,
Яша хизматчилар!

Ҳаққингни ол ишчилар,
Яшов давринг сенинг!
Басдир шунча хўрлик,
Зорликлар кўрганинг.

2. Ҳой, ишчилар,
Бор бўлсин хизматчилар,
Эмасму биз инсон?!
Ишчининг нега умри
Бойлар учун қурбон?!

Токайлар биз юрамиз
Қўл, оёқ боғли?!
Бир парча қотган нонга
Юрак, бағри доғли?!

«Саранжом» ва текис ишоралар бутун асарнинг ижросига тааллуқлидир. Асарда музика жўрлиги катта аҳамиятга эга бўлиб у студентга уч ҳиссали ўлчовнинг асоси бўлган чуқур «бир» ишорасини ҳис қилишга ёрдам беради. Бундан ташқари жўр авжга чиққан пайтларда асарни мазмунан тўлдиради ва динамик жиҳатдан бойитади.

Студент қўлларнинг мустақил бажарадиган вазифасини аниқлаши (ушлаб туриладиган ноталар ҳаракатини чап қўл билан аниқ кўрсатиши, шу пайтда ўнг қўл билан жўрнинг такт ҳиссаларини тўхтовсиз равишда санаб бориши ва биринчи ҳиссада аниқ узиши) лозим.

Асар студентнинг эмоционал ҳис-туйғуларини ўсишига ёрдам беради.

«Компактный» плавный жест характерен при исполнении всего сочинения. Большое значение имеет сопровождение, которое помогает студенту прочувствовать пульсацию, основу трехдольного размера (темп медленного вальса, «глубокий раз»). Кроме того, оно дополняет содержание произведения, динамически обогащает в кульминационных моментах.

Студенту необходимо проявлять самостоятельность функций рук (левой рукой ясно показывать движение выдержанных нот и точно снимать на первую долю при одновременном тактировании правой рукой аккомпанемента).

Произведение помогает эмоциональному развитию студента.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# РАССОМ

Ҳ. МУҲАММАД шеъри

ИҚ. АҚБАРОВ музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




1. Ўлкамда кезар бу дам,
Олтин куз сирли рассом.
Ўйнатади мўйқалам.
Дилида қайнар илҳом.

Ўйнатади мўйқалам,
Дилида қайнар илҳом.

2. Пахталарга кумуш ранг
Сурмоқ бўлиб шошади.

Боғни қилган ранг-баранг
Кўриб завқинг тошади,
Кўриб завқинг тошади.

Асар ижрони иккинчи ҳиссадан (чап қўл билан) бошлаш ишорасини қўллаш малакаларини ўзлаштириб олиш учун фойдалидир. Бундан ташқари, дирижёрнинг чап қўл ҳаракати билан учинчи ҳиссани аниқ узиши, узун ноталарни сақлаб туриши, сўзларнинг бўғинларга бўлиниб ноталар остига ёзилганлигига қатъий риоя қилиши шарт.

Асарнинг осойишта баёний характери юқорида айтилган дирижёрлик техникаси вазифаларини бажаришга қулайлик яратади.

Произведение полезно для освоения навыка показа вступления (левой рукой) со второй доли. Кроме того, левая рука дирижера должна точно и ясно снимать третью долю, выдержать длинные ноты, соблюдая строго подтекстовки мелодии.

Спокойный повествовательный характер произведения благоприятствует выполнению указанных дирижерско-технических задач.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Т. ИЛҲОМОВ шеъри

# ГУЛ ЭЛТАМИЗ ДОҲИЙГА

Ғ. ҚОДИРОВ музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




1. Чаманларни оралаб,
Чечакларни саралаб,
Доҳиймизни айлаб ёд
Гул дасталар туздик шод.

Нақарот:

Ленин улуғ доҳиймиз
Бу ердаги боғимиз.
Йиллар оша сиз кўрган
Мирзачўлда бир чаман.

2. Номингизни айтсак биз,
Қуёш тафтин сезамиз.
Орзумизга қанотсиз,
Доҳий мангу ҳаётсиз.

Нақарот.

3. Юракларда орзу мўл
Бу навқирон Мирзачўл
Яна яшнар биз билан
Бахтли ўғил-қиз билан.

Нақарот.

Бу бахтли болалик ҳақида куйланаётган болалар қўшиғидир, шунинг учун ҳам у қувноқ, ёрқин характерга эга. Студент бу асар устида ишлаганда дирижёрлик схемасини тўғри тузилиши, яхши «вазндор бир»га риоя қилиши, паузадан кейин иккинчи ҳиссада чап қўли билан ишорани аниқ ва ўз вақтида бошлаши ҳамда учинчи ҳиссада аниқ узиши зарур.

Композитор томонидан кўрсатилган суръатни сақлаб қолиш учун дирижёрлик схемаси ҳаракатчан ва кичик бўлиши керак.

Это песенка детей, поющих о счастливом детстве, поэтому она носит веселый, светлый характер. При работе над ней необходимо следить за правильностью дирижерской схемы, соблюдать хороший углубленный «раз», точные и своевременные вступления левой руки после паузы на второй доле и ясные снятия на третьей доле.

Дирижерская схема должна быть маленькая и подвижная для того, чтобы сохранить темп, указанный композитором.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ИШЧИ БОБО

Ҳ. ҲАКИМЗОДА шеъри ва музикаси

Г. МУШЕЛЬ қайта ишлаган

Allegro moderato






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




1. Гулдур этиб булут тарқаб,
Ялт-юлт этиб чақмоқ чақди.
Ишчи бобо, сескансанг-чи,
Шарққа қуёш чинлаб чиқди.

Баҳор бўлиб шатир-шутир
Маориф ёмғири ёғди.
Ишчи бобо қўш қўшсанг-чи,
Экин экар чоғи келди.

2. Саҳар келган шир-шир этиб,
Бекор кетмай шаббодалар,
Ишчи бобо тез очсанг-чи,
Пиндик[1] очсин ёш новдалар.

Тездан келган бу ёз кунлар,
Тездан битиб қиш келмасдан.
Ишчи бобо, уйғонсанг-чи
Бу кўрганлар туш бўлмасдан.

[1] Пиндик — куртак

Асар юмшоқ, осойишта характерга эга бўлиб, мукаммал дирижёрлик схемасини ишлаш учун қулай. Дирижёрнинг эътибори ҳар бир музикавий жумланинг такт олдидан бошланишига қаратилиши керак.

Биринчи ҳиссани таъкидлаш ва барча узун ноталарни чап қўлни тўхталиши орқали сақлаб туриш тавсия этилади. Биринчи, иккинчи ва учинчи ҳиссаларда аниқ узишга эришиш лозим.

Сочинение носит мягкий, спокойный характер, удобный для выработки совершенной дирижерской схемы. Внимание дирижера должно привлекать начало каждой музыкальной фразы с затакта.

Рекомендуется подчеркнуть первую долю и выдержать все длинные ноты с остановкой левой руки. Добиваться ясных снятий на первую, вторую и третью доли.

# БИЗ ИШЧИМИЗ

**Ҳ. ҲАКИМЗОДА** шеъри ва музикаси

**Қ. АБДУЛЛАЕВ** қайта ишлаган

**Andantino**






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




Биз ишчимиз, меҳнатчимиз,
Биз ҳам инсон ўғлимиз.
Ўйлашайлик бизлар на деб,
Золим бойлар қулимиз!

Оғир юкда яғир бўлди
Оппоқ, нозик елкалар.
Раҳмат демак сўз ўрнига
Жеркиб, сўкиб силталар.

Бизнинг кучнинг орқасидан
Бой бўлганлар беорлар.
Меҳри шафқатнинг ўрнига
Оёқ бирла тепарлар.

Ҳар балога биз тўғримиз
Қон чулғаган бошимиз!
Замон келди кўтарайлик
Оёқ остдан бошимиз.

Бизнинг замон, хизматчилар,
Майдонга чиқ ишчилар!
Бу кун эркинг олар кундир,
Кўзинг оч меҳнатчилар.

Асар характери майин дирижёрлик ишорасини талаб қилади.

Асарнинг секин ижро этилувчи вальс усулидаги биринчи ҳиссасини бирмунча таъкидлаш лозим. Асар ижрони тактнинг учинчи (такт олди) ҳиссасидан бошлашни ўзлаштириб олишга ёрдам беради. Ўнг қўл билан такт ҳиссаларини кўрсатиб бораётган пайтда, ҳар бир музикали жумланинг охирида сақлаб туриладиган (лига орқали бирлаштирилган) ноталарда чап қўлни тўхтатиш, « 𝄾 » паузадан эса, навбатдаги (учинчи) ҳиссанинг ауфтакти сифатида фойдаланиш тавсия этилади. Якунловчи тактни «икки»да аниқ узиш керак.

Характер сочинения требует напевного дирижерского жеста. Следует несколько подчеркнуть первую долю в ритмическом рисунке «медленного вальса». Произведение должно помочь освоению вступления с третьей доли такта (затакт). В конце каждой музыкальной фразы рекомендуется останавливать левую руку на выдержанных нотах (залигованных), при одновременном тактировании правой руки, а «𝄾» паузу использовать как ауфтакт к последующей (третьей) доле. Заключительный такт должен точно сниматься на «два».

# ТОЛИМАРЖОН

**САЙЁР шеъри** **Ҳ. РАҲИМОВ музикаси**

**Allegro moderato**






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




1. Қарши чўлда кўзгу каби ялтирайди бир денгиз,
Денгиз оби ҳаёт эрур шижоатда у тенгсиз.
Ишчи унинг ижодкори, ишчи уни яратди,
Қарши чўлнинг вужудига оби ҳаёт таратди.

Н а қ а р о т:

Шовуллайди Толимаржон, шовуллайди
Толимаржон,
Толимаржон, Толимаржон, толе бор жой!

2. Сув келтирган элда азиз, сувдан қақроқ ер
гулшан
Чўлда энди сув серобдир, сувдан яшнаб чўл
кулган.
Толу терак чинорларнинг, мавжи оби ҳаётдир
Ҳар гиёҳнинг, ҳар ниҳолнинг авжи оби ҳаётдир.

Н а қ а р о т.

3. Чўл кўксида шаҳар пайдо, пайдо пахта майдони
Сув шарқираб куйлаб жўшар, ишчи деган
шайдони.
Ишчи қўли толмасин ҳеч, ундан чиройли олам
Олқиш сенга ишчи одам, бор бўлсин ишчи одам.

Н а қ а р о т.

Асарни дирижёрлик техникасини маълум даражада билиб олган студентга ижро қилдириш мумкин. Бунда студентдан қисқа музика жумлаларининг динамик ривожланишини кўрсата олиш малакаси талаб этилади, шунингдек синкопаларни, эркаклар хор партиясининг бошланиш даврини ва умумий хорни берилган динамикалар миқёсида аниқ кўрсатмоқ зарур.

Произведение можно давать студенту, имеющему определенную дирижерско-техническую базу. Необходим навык показа динамического развития на коротких музыкальных фразах, а также необходимо четко показывать синкопу, вступление реплик мужской партии и всего хора в пределах указанной динамики.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ОЛҚИШ

Ё. МИРЗО шеъри

Ф. НАЗАРОВ музика






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




Октябрнинг байроғидан нурланар офтобимиз,
нурланар офтобимиз
Жуда ноёб тамғамиздан саодат китобимиз
«Бутун дунё йўқсиллари бирлашинг» хитобимиз,
бирлашинг хитобимиз.
Иқбол берур, камол берур шонли инқилобимиз,
шонли инқилобимиз.

Нақарот:

Олқиш, олқиш, олқиш,
Ленинчилар наслига олқиш, олқиш.
Коммунизм аслига бўронлардан олиб ўтган,
Бўронлардан олиб ўтган, суронлардан ғолиб ўтган
Коммунизм асрига Ленинга олқиш,
Коммунизм асрига Ленинга олқиш,
Ленинга олқиш
Олқиш, олқиш, олқиш.

Асар композицияси икки хил йўналишда фойдали материал бўла олиши мумкин: унинг даромади уч ҳиссали, нақароти эса тўрт ҳиссали ўлчовда ёзилган. Бу, бир асар миқёсида бир ўлчовдан бошқа хил ўлчовга ўтиш малакасини эгаллаш учун муҳим воситадир.

Динамик тусларнинг тўсатдан ўзгариши, хор-партияларининг қарама-қарши қўйилиши, шунингдек, нақаротда динамик тусларнинг «қуюқли» лиги — буларнинг ҳаммаси студент-ижрочидан асар устида жиддий ишлашни ва дирижёрлик техникаси жиҳатидан маълум тайёргарликка эга бўлишни талаб қилади.

Композиция этого сочинения может быть хорошим материалом в двух направлениях; запев написан в трехдольном, а припев — в четырехдольном размере. Это очень ценно для овладения навыком перехода от одного размера к другому в пределах одного произведения.

Внезапная смена динамики, противопоставление партий хора, а также большая динамическая насыщенность в припеве — все это требует от студента-исполнителя серьезной работы над произведением и определенной дирижерско-технической подготовки.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ДЎСТЛИК ЧАМАНЗОРИ

П. МЎМИН шеъри

М. НАСИМОВ музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




1. Боғимда гул очилган атрофим чаман,
Чаманзорда дўстларим қўшиқ айтаман.
Юртимизда ҳар миллат очилган гулдай,
Шу гуллардан ободдир бизнинг боғ-Ватан.

Нақарот.

Юртимизда ҳар миллат очилган гулдай
Шу гуллардан ободдир бизнинг боғ-Ватан.
Партиямиз чаманга бўлиб меҳрибон,
Ҳар бир гулни парваришлаб ўстирган боғбон.

2. Бунда ўсган ҳар бир гулнинг кўрки бор,
Қардошликдан обрўйи, бахти барқарор,
Чирой олар бу юртдан жаҳон жамоли
Келгусига минг яшнаб боққан чаманзор.

Нақарот.

3. Нур эмган у Октябрь тонг зиёсидан,
Сув ичгандир аҳиллик кенг дарёсидан.
Мангу баҳор замона келган чаманга,
Дўстлик кулган Лениннинг бахт — даҳосидан.

Нақарот.

Дирижёрлик ишораси асарнинг тантанали характерини ифодалай олиши учун «тўлиқ», «салмоқли» бўлиши керак. Студентдан ҳар бир жумланинг мусиқийлигига, сайқалланган бўлишига эришиш талаб этилади. Чап қўл куйни дадил бошқариб бориши, учинчи ҳиссада тўхташи, усулларни аниқ ва равшан кўрсатиши зарур.

Асарнинг динамик жиҳатдан хилма-хиллигига эътибор бериш тавсия этилади.

Асар охирида «секинланиш» ва «тайёрланган» ферматонинг борлиги унинг муҳим хусусиятидир.

Дирижерский жест должен передать торжественный характер произведения. Он должен быть «наполненным», «весомым». Студент должен добиваться музыкальности, проникновенности, отточенности каждой фразы. Левая рука уверенно должна вести мелодию, останавливаться на третьей доле, четко и ясно показывать ритмический рисунок.

Рекомендуется обратить внимание на динамическое разнообразие произведения (запев — солист, или часть хора и припев). Особым в этом произведении может быть «замедление» в конце и подготовленная фермата.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# УЛУҒ ПАРТИЯ

Т. ФАТТОҲ шеъри

Т. СОДИҚОВ музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




1. Партия сен билан бўлдик бахтиёр,
Қаҳрамон халқларга умрбод қардош,
Ёруғдир чеҳрамиз дилларда баҳор,
Йўлимиз ёритар Москва қуёш.

Нақарот.

Минг яша партия, жонажонимиз,
Сен билан ўзгарур, ўзгарур башар.
Бўл омон фахримиз, шараф-шонимиз
Эй, улуғ партия, минг яша, яша!

2. Босқинчи ёвларни этдик тору мор
Даҳшатли жангларда бўлдинг раҳнамо
Сен билан биз зафар қозондик такрор
Зафарлар топамиз бизлар доимо.

Нақарот.

3. Ватанда тинч меҳнат, ижод кунлари,
Яна ҳам фаровон бўлди бу ҳаёт.
Биз олға борамиз янги бахт сари,
Бахтимиз нурила тўлсин коинот.

Нақарот.

Асарнинг чуқур ва муҳим аҳамиятга эга бўлган мазмуни дирижёрлик ишораларининг эмоционал «қуюқ» бўлишини талаб қилади. Бундан ташқари, «бир»нинг «салмоқли» бўлишига, бошловчи ҳиссаларнинг бўлиб кўрсатилишига, биринчи ҳиссадаги тўхталишга, усул хилма-хиллигига, урғулар ва ҳоказоларга аҳамият бериш керак.

Дирижёрнинг асосий вазифаси — синкопаларни аниқ ижро этиш ва уларни дирижёрлик схемалари асосида ўзлаштиришдир.

Глубокое и значительное содержание произведения требует эмоционально-насыщенного дирижерского жеста. Кроме того, следует обратить внимание на «весомый», углубленный «раз», дробленые вступления, остановки на первой доле, разнообразные ритмы, акценты и т. д.

Основная задача дирижера — четкое исполнение синкоп и усвоение их в дирижерской схеме.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЯША, УЛУҒ МОСКВА!

Қ. ҲИКМАТ шеъри

Е. ШВАРЦ музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




2. Сўнмас ижод макони
Нурдек порлоқ бахт кони.
Кўркам ери жаҳоннинг
Яша, улуғ Москва!

Нақарот.

3. Сендан олам баҳраманд
Фарзандларинг қаҳрамон.
Донғинг кетган ҳар томон
Яша, улуғ Москва!

Нақарот.

